

ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ

МАТЕРИАЛЛАР
ТЎПЛАМИ
XIII



ISBN 978-9943-5080-6-4



9 789943 508064

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**

XIII

**"Дурдона" нашриёти
Бухоро – 2022**

81.2Ўзб-3

T 49

Тилнинг лексик-смантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари: материаллар тўплами, VII; тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: М.И.Гадоева; масъул муҳаррир: З.И.Расулов; Тошкент: "Дурдона" нашриёти, 2022 йил. 252 бет.

**КБК 81.2Ўзб-3
83.3(5Ў)**

Тўпланда Республикамиз олимлари, илмий тадқиқотчиларининг филологик мавзулар доирасидаги, жумладан, муайян тил доирасидаги лингвистик қарашлари; қиёсий–типологик изланишлари; тилларни ўқитиш назарияси ва миллат, миллий маданиятнинг амалий глобаллашуви даврида тилдан фойдаланиш муаммолари, шунингдек, тилларни ўқитиш усулиёти; адабиётшунослик, таржимашунослик истиқболлари борасидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

Тўпланим филологик йўналишдаги илмий изланувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабаларга мўлжалланган.

Тахрир ҳайъати:

Хамидов О.Х., (БухДУ профессори), Қаҳҳоров О.С. (БухДУ доценти), Ҳайдаров А. (БухДУ доценти.), М.И.Гадоева (БухДУ доценти), масъул муҳаррир Расулов З. (БухДУ доценти), масъул котиб Қобилова Н.С. (БухДУ доценти)

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
филология фанлари номзоди, доцент М.И.Гадоева**

Тақризчилар:

Давлатова М.Х., Бухоро давлат тиббиёт институти инглиз тили кафедраси доценти

Қобилова Н.С., БухДУ Инглиз тилшунослиги кафедраси доценти

Тўпландан ўрин олган мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлиги, мазмуни, савияси ва саводхонлиги учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

БухДУ Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (5-сонли баённома, 29 декабрь, 2021 йил).

ISBN 978-9943-5080-6-4

ВОКЕЛИК ОБЪЕКТИНИ ПЕРИФРАСТИК СИНОНИМЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАШ А.Б.КОБИЛОВА,

БухДУ, Инглиз тилишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Инсон сўз орқали нарса-ҳодисаларни, уларнинг белгиси, миқдори, ҳолати ва ҳаракатини, ҳатто ҳаракатнинг белгисини ҳам номлаганидек, сўзлар англатган денотатларнинг ифодавий номлари – функционал-семантик синонимларни ҳам яратган. Аслида, синоним сўзлар кишиларнинг сўз маъноларини ҳар томондан тўлароқ, мукамалроқ очишга уриниши натижасида вужудга келади. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда ҳар қандай тилнинг луғат таркибидаги асосий воситалардан бирини синоним сўз ва иборалар ташкил этади. Маълум бир воқеликни ифодаловчи бирликлар, тушунчалар, шунингдек, муносабатлар синонимияни ҳосил қилади. Синонимлар (ўхшаш маъноли сўзлар) гапирганда ёки ёзганда, сўз бойлигини кенгайтириш ва бир хил сўзларни қайта-қайта ишлатмасликнинг энг яхши усулларида биридир¹.

Қайд этиш керакки, синонимик муносабатларнинг моҳиятини англаш сўзнинг луғавий маъноси моҳияти ва тузилишини тушуниш билан чамбарчас боғлиқ. Тилшуносликда сўзнинг семантик тузилишини талқин этишнинг турли усуллари мавжуд. Тилшунос олим В.Г. Виллюман сўзнинг семантик тузилиши, жумладан, сўзларнинг семантик яқинлигини – синонимларни ўрнатишда аниқланадиган семантик хусусиятлари тўплами сифатида белгилайди². Олимнинг фикрича, сўзларнинг семантик яқинлигини аниқлаш усулларида бири ушбу сўзларга хос маъноларни изоҳли луғатларда таҳлил этишдан иборат³. Маълум бир сўзнинг изоҳи берилганда унинг синоними ҳам қайд этилса, синонимияни аниқлаш жуда осон бўлади, шу билан бирга, бу сўзлар семантик жиҳатдан яқин ҳисобланади⁴.

Табиийки, тиббий перифразаларда ҳам юқоридаги тасниф амал қилиниши мумкин:

1. Шахсни ифодалайдиган тиббий перифрастик функционал-семантик синонимлар: *Hippocrates is considered to be **the father of modern medicine** because of his books, which are more than 70* (“National Library of Medicine”, 2008, 11(1)). *Democritus, an ancient Greek philosopher who is viewed by many as being **the father of modern science*** (Universe Today,

¹ Allan, Keith, & Jaszczolt, Kasia M. The Cambridge handbook of pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2012, P. 34.

² Виллюман, В.Г. Английская синонимика. – М.: Высшая школа, – 1980. – С.300.

³ Lynne Murphy M. What We Talk About When We Talk About Synonyms: (and What it Can Tell Us About Thesauruses) // *International Journal of Lexicography*, Volume 26, Issue 3, September 2013, P. 301.

⁴ Barsalou, L., & Wiemer-Hastings, K. Situating Abstract Concepts // Cambridge: Cambridge University Press, 2005, P. 130.

December 11, 2015). Яъни, юқорида келтирилган жумлаларда Гиппократ “замонавий медицина отаси”, Демокрит “замонавий фан отаси” сифатида перифразалаштирилган.

Ўзбек тилида ҳам бу каби мисолларни кузатиш мумкин. Жумладан, *Касалликларни (хусусан ички касалликларни) тўғри аниқлашга, уларнинг қандай кечишларини тўла ва аниқ тасвирлаб берганлиги ва бу соҳадаги қатор кашфиётлари Ибн Синони ҳозирги замон терапияси асосчиси, деб аташга имкон беради* (“Тиб қонунлари” китоби. I жилд. 7-бет.) “Баркамол авлод – 2014” спорт мусобақаларида наманганлик **саломатлик посбонлари– шифокорлар** зиммасига мусобақа иштирокчиларининг соғлигини муҳофаза этиш вазифаси юклатилган.

2. Ўрин-жой номларини ифодалайдиган тиббий перифрастик функционал-семантик синонимлар: *The Healthcare Resort is meeting the needs of guests who want a luxury experience with rehabilitative and long-term care. The world-class resort offers a combination of short-term rehabilitation, where the average length of stay is 10 to 14 days* (thehealthcareresort.com). Ушбу гапда *The Healthcare Resort* санаторияси **the world-class resort**, яъни дунё стандартига мос санатория сифатида ифодаланган.

Ўзбек тилида қуйидаги мисолни мавзу доирасида эътироф этишимиз мумкин: *Зомин санаторияси – тоғ ён бағридаги сўхатгоҳ* (zominsan.uz).

3. Нарса-ходиса номини ифодалайдиган тиббий перифрастик функционал-семантик синонимлар: *Twentieth – century people are well aware that lemon is a thermometer of human blood pressure* (hopkinsmedicine.org). Яъни, берилган гапда лимон инсон қон босимининг термометри деб изоҳланаяпти. Ўзбек тилида: *Ошқовоқ – сариқ олтин. Қовоқ мойи – шифонинг кони.* (“Шифо-инфо” газетаси, 2016. 44-сон.) Шифокор кўриги – *давонинг илк қадами.* Саломатлик – *табиат инъом этган бебаҳо бойлик.* Аниқ ташхис – *самарали даво* каби мисоллар фикримизни далиллайди.

Қиёсланаётган тиллар кесимида перифрастик синонимларни изоҳлаш, сўзларнинг семантик яқинлигини аниқлаш, сўзларнинг маъноларини изоҳли луғатларда икки тил доирасида таҳлил этиш ўзбек тилшунослигининг келгусидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Перифраза лингвомаданий ходиса сифатида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, чунки сўнгги пайтларда перифразаларнинг шаклланиш жараёни тобора кучайиб бормоқда ва улар нутқ фаолиятининг турли соҳаларида кенг тарқалмоқда. Перифразаларни турли тиллар кесимида тадқиқ этиш дунёнинг миллий ўзига хослиги ҳамда инглиз ва ўзбек тилларида сўзлашувчиларнинг нутқ бойлигини ўрганишга имкон беради.

Бир тилдан иккинчи тилга таржима жараёнида асл матннинг маъносини ўқувчига аниқ етказиб бериш мақсадида, айниқса, таркибида перифраза қўлланган матн бўлса, унинг эквивалентини, маънодошини топиш асосий мезон ҳисобланади. Перифраза ходисаси дунёнинг деярли

барча тилларида учрашни инобатга олсак, муайян тилда қўлланилган перифраза бошқа тилда учрамаслиги ёки у бирор бир соҳага тегишли бўлса, бошқа тилда бу соҳа топилмаслиги мумкинлигига эътибор қаратиш ҳам муҳим. Асл ва қиёсланадиган тилнинг лексик таркибидаги фарқлар ҳамда маданий фарқлар туфайли тилларда мавжуд бўлган перифрастик атамаларни қиёслаш эса унчалик осон иш эмас. Баъзан таржимон перифрастик функцияни чуқур тушунмаслиги сабабли тахминан қўллаган синонимик бирлиги орқали ўқувчига керакли маънони етказиб бера олмайди ва ҳатто баъзан матн таржимасига салбий маъно киритиб қўйиши ҳам мумкин. Масалан, “Disability” (ногиронлик) сўзининг асосий маъноси – бу “*an illness, injury, or condition that makes it difficult for someone to do the things that other people do*”¹ (Cambridge dictionary), яъни бошқа одамлар бемалол бажара оладиган ишларни кимлардир амалга ошириши касаллик, жароҳат ёки номеъерий ҳолат туфайли қийинлашади. Ушбу Cambridge луғатида “disability” сўзи “a limiting mental or physical condition” (чекланган рухий ёки жисмоний ҳолат) деб таърифланганки, ушбу номинация илгари қўлланилган *invalid* ва *handicapped person* (ногирон инсон) иборасининг ўрнида ишлатилмоқда.

Хуллас, сўзларнинг перифрастик функционал-семантик синонимлари ўз номига эга бўлган денотатни қайта номлайди. Уларнинг бошқа функционал-семантик синонимлардан фарқи шундаки, улар маълум бир шахс, нарса-ҳодиса, ўрин-жойнинг белгисини эмас, балки айнан ўзини ифодалашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Allan, Keith, & Jaszczolt, Kasia M. The Cambridge handbook of pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2012, P. 34.
2. Виллюман, В.Г. Английская синонимика. – М.: Высшая школа, – 1980. – С.300.
3. Lynne Murphy M. What We Talk About When We Talk About Synonyms: (and What it Can Tell Us About Thesauruses) // *International Journal of Lexicography*, Volume 26, Issue 3, September 2013, P. 301.
4. Barsalou, L., & Wiemer-Hastings, K. Situating Abstract Concepts // Cambridge: Cambridge University Press, 2005, P. 130.
5. Cambridge Dictionary, Cambridge University Press. Disability. In *Cambridge dictionary*. Retrieved April 8, 2020 from <https://dictionary.cambridge.org/us/dictionary/english/disability>

¹ Cambridge Dictionary, Cambridge University Press. Disability. In *Cambridge dictionary*. Retrieved April 8, 2020 from <https://dictionary.cambridge.org/us/dictionary/english/disability>

МУНДАРИЖА

Расулов З.И. АХБОРОТ ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	3
Ҳайдаров Анвар Аскарлович. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАРНИНГ КОННОТАТИВ МАЪНОЛАРИ.....	6
А.Б.Кобилова. ВОҚЕЛИК ОБЪЕКТИНИ ПЕРИФРАСТИК СИНОНИМЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАШ	11
Джураева З.Р. ВЛИЯНИЕ ГЕНДЕРА НА ЯЗЫКОВУЮ СИСТЕМУ ПАРЕМИОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ.....	14
N.S.Qobilova, N.Azimova. MAQOL VA IBORALARDA KIYIM-KECHAK LINGVOKULTUREMALARINING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI	16
Джураева З.Р. ОСОБЕННОСТИ МИФОТВОРЧЕСТВА В РАССКАЗАХ БОРХЕСА	18
Mustafoyeva Nodira Erkin qizi. INGLIZ VA O'ZBEK MAQOLLARI VA ULARDA EMOTSIONALLIKNING IFODALANISHI.....	21
Sattorova Maftuna Shavkatovna. M.H. ABRAMSNING “ A GLOSSARY OF LITERARY TERMS ” LUG'ATINING ETIMOLOGIK TAHLILI	24
Ahmedova Gulmira Oxunjon qizi. SIYOSIY NUTQDA METAFORANING ISHLATILISHI.....	28
Rahima Norova. SONLAR SEMANTIKASI VA MADANIYATI XUSUSIYATLARI	31
Nazarova NavbahorAhrorovna, Malikova Zarnigor. IMPORTANCE OF SKILLS IN LEARNING LANGUAGES.....	34
Nazarova Navbahor Ahrorovna, Mirshayeva Nilufar. CHET TILINI O'RGATISHDA TINGLAB TUSHUNISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY USULLARI	37
Nazarova NavbahorAhrorovna, Latipova Sevara. THE ROLE OF WRITING SKILL IN FOREIGN LANGUAGES	39
Navruzova N.X. KONNOTATIV MA'NONING MORFOLOGIK VOSITALARDA IFODALANISHI.....	41
Н.Джумаева. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СЕҲРЛИ УЙ- РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ ОБРАЗИ ТАҲЛИЛИ.....	44
Vaxidova Fotima Saidovna, Dehqonova Sayyora. ZIYORAT TURISTIK TERMINLAR O`ZLASHUVINING INTRALINGVISTIK OMILLARI VA TARIXIY-ETIMOLOGIK MANBALARI	47
Джураева З.Р. ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В РУССКИХ ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ	50
I.I.Akramov. THE CONCEPT OF APHORISMS IN A LANGUAGE	54
S.S. Kurbanov. IMOM G`AZZOLIY ASARLARIDA FARZAND TARBIYASI MUAMMOLARI.....	56
Navbahor Nazarova. ANTROPONIMLARNING LEKSIK TIZIMDA TUTGAN O'RNI.....	60